



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Усмонов Дониёр Қахрамон ўғли

Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси, майор

Ахмаджонов Дониёр Илхомжон ўғли

Кундузги таълим 3-ўқув курси 314-гуруҳ курсанти  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18162641>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 04-yanvar 2026 yil  
Ma'qullandi: 05-yanvar 2026 yil  
Nashr qilindi: 06-yanvar 2026 yil

### KEYWORDS

умумий профилактика,  
тақдимнома, ҳуқуқий  
тарғибот, чора, тадбир,  
тушунтириш,  
огоҳлантириш, ишонтириш,  
рағбатлантириш,  
мажбурлаш

### ABSTRACT

Хуқуқбузарликларни умумий профилактикаси тушунчаси, умумий профилактикани амалга ошириш тартиби, умумий профилактика чора-тадбирлари, умумий профилактикани амалга ошириш усуллари, умумий профилактикани амалга ошириш йўналишлари, хуқуқбузарликларни умумий профилактикасининг объектлари, субъектлари, умумий профилактиканинг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари, умумий профилактикани амалга ошириш шакллари ва бошқалар ҳақида сўз юритилади.

Бугунги кунда криминоген вазиятга ташқи омиллар таъсири ҳам кундан-кунга кучайиб бормоқда. Айниқса, дунё давлатлари ва халқлари ўртасидаги муносабатлар ва муаммоларнинг глобаллашуви, жадаллашуви, халқаро жиноятчилик, унинг уюшган тури, терроризм, гиёҳвандлик, қурол-яроғ ва одам савдоси каби кўринишларининг кенгайиб бораётганлиги, шунингдек ўзларининг ғараз мақсадларини амалга ошириш учун турли йўл ва усуллар билан минтақадаги, алоҳида давлат ёки унинг маълум бир ҳудудидаги барқарор вазиятни бузишга ҳаракат қилаётган кучларнинг мавжудлиги ҳар қандай барқарор вазиятга салбий таъсирини ўтказди.

Ҳозирда мамлкатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар бевосита ички ишлар органларига ҳам тааллуқли бўлиб, жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар қандай кўринишдаги тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли гаровига айлантириш бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади қилиб белгиланди.

Мазкур ислохотлардан кўзланган мақсад, ички ишлар органларининг маъмурий ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини жиноий тажовузлардан муҳо-фаза қилиш, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни тўхтатиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш каби бир қатор вазифаларни самарали амалга оширишни назарда тутди.

Бу мақсадларга эришиш учун қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар идоралари тизимини чуқур ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли, мазмун-моҳиятига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Ички ишлар идораларининг юқоридан қуйигача бўлган барча тузилмалари амалда сифат жиҳатидан бутунлай янгича асосда шакллантирилди, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жинойтчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини қарор топтириш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ости ҳужжатлари асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, замонавий алоқа воситалари билан таъминлаш борасида катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда, шу билан бирга мазкур соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш юзасидан ҳам алоҳида вазифалар белгиланиб, ходимларни тайёрлаш қайта тайёрлаш, уларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш чора-тадбирлари белгилаб берди.

“Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш — амалга оширилаётган барча ислохотлар самарадорлигига эришиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарор вазиятни таъминлашнинг асосий кафолатидир”.

Ушбу мақсадларнинг чин маънода амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг барча чора-тадбирларини самарали ташкил этиш ва амалга оширилишидир. Бу борада ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг таъсир доирасининг катталигини инобатга олиб

Хусусан, аҳолининг ҳуқуқий ва маънавий тарбиясини юксалтириш, уларнинг қонуларга ҳурмат қилиш ва унга амал қилиш руҳида тарбиялаш юзасидан олиб бориладиган ҳуқуқбузарликларнинг умумий тартибдаги профилактик чора-тадбирлари катта ўринга эгадир.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг қуйидаги асосий иккита йўналиши мавжуд:

*Биринчидан*, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлашга қаратилган усуллар ташкил қилади. Ушбу усулларнинг хусусияти шундаки, улар бевосита профилактик самара бермайди (ва бериши ҳам керак эмас). Шунга қарамай, ушбу усулларнинг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятининг пировард мақсадларига эришишдаги ўрни ва аҳамиятини қадрламаслик хато бўлади. Чунки бу жараёнда ҳудуддаги ёки маълум бир гуруҳлар ўртасидаги муаммолар, низолар ва ҳуқуқбузарликларнинг умумий кўриниши таҳлил этилади.

*Иккинчидан*, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни бартараф этишга бевосита қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш киради, масалан учрашув, маъруза, тарғибот-ташвиқлот ва шу каби чора-тадбирлар амалга оширилади.

Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг бошқа турларидан фарқига эътибор қаратиш лозим. Масалан, бошқа профилактиканинг бошқа турлари чора-тадбирлари аниқ бир ҳуқуқбузарликларни бартараф этишга қаратилган бўлса, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-

тадбирлари кўп мақсадли хусусиятга эга бўлади, масалан фуқароларнинг маънавий-ҳуқуқий тарбиясини шакллантириш, уларни қонун ва қонун ости ҳужжатларига риоя қилиш борасидаги тушунчаларини ошириш ҳамда уларнинг фаоллигини ошириш орқали келгусидаги ижтимоий муҳим натижаларга эришиш мўлжалланади.

Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактик фаолияти бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий вазифалардан ташкил топган. Хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг йўналишига, тузилишига, даражасига, сабаб ва шароитларига тўлиқ таъсир қилишдан иборатдир. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти субъектлари томонидан ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ҳуқуқбузарликнинг сабаб-шароитлари, бошқа детерминантларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, таъсирини йўқотиш, кучсизлантириш бўйича усул ва шаклларни амалга оширишдир.

*Профилактика инспекторининг умумий профилактик фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:*

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш юзасидан тегишли таклифлар киритиш;

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактик чора-тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш жараёнига, ички ишлар органлари соҳавий хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларини, фуқароларни жалб этиш;

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш, жойларда маърузалар ўқиш, давра суҳбати, учрашувлар ташкил этиш, аҳоли гавжум жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир плакатлар, эълонлар жойлаштириш, видео роликлар бнамойиш қилиш, огоҳликка чақирувчи овозли матнни эшиттириш, шунингдек аҳоли гавжум жойларда ҳамда пиёдаларнинг фаол ҳаракатланиш йўналишларида патрулик йўналишларини ташкил этиш, маъмурий ҳудудни профилактик кўздан кечириш каби профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ташкил этилишини таъминлаш;

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинган янги қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш чора-тадбирларини амалга ошириш ва бу жараёнга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маънавий-ҳуқуқий тарғибот марказлари, таълим муассасаларининг вакилларини, шунингдек олимларни, шоирларни ва депутатларни жалб этилишини таъминлаш;

- маъмурий ҳудудда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланишига ёки алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини тақозо этаётган сабабларни ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаганда уларни бартараф этиш юзасидан корхона, муассаса, ташкилот ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳудудий ички ишлар органи бошлиғи орқали, вазирликлар ва қўмиталарга эса Ички ишлар вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдимнома киритилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни бевосита жамиятда ҳуқуқбузарлик ва

жиноятчиликнинг профилактикасини самарали ташкил этиш имкониятини янада ошишига хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 22-моддасида Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси тушунчасига қонуний таъриф берилган бўлиб, унга кўра “хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти” бўлиб, ушбу фаолият тури Хуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан амалга оширилиб келинмоқда.

“Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасида хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг чора-тадбирлари белгиланган бўлиб, ушбу чора-тадбирлар сираси қуйидагиларда намоён бўлади:

- хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот;
- хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш;
- хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси қонунчиликка мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкинлиги белгилаб ўтилган.

Хуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳар бир тури ўзининг мақсади, вазифаси, ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари асосида ишлаб чиқилган профилактик чора-тадбирлар тизимига эга, мазкур чора-тадбирлар тизимининг қанчалик пухта ўйланиб, ишлаб чиқилганлиги хуқуқбузарликлар профилактикасининг турларининг самарадорлигини кафолатлайди.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатига мурожаат қилинганда “чора” тушунчасига “бирор ишни, мақсадни амалга ошириш, рўёбга чиқариш ёки унинг олдини олиш учун пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чиқилган тадбирлар мажмуи” деб, “тадбир” сўзига эса, “мақсадни амалга ошириш йўлидаги иш, хатта-ҳаракатнинг ўзи”, “маълум мақсадда ташкилий равишда амалга ошириладиган (бажариладиган) иш ёки ишлар” каби маъноларни англатади.

Кўриниб турибдики, “чора” ва “тадбир” сўзларининг луғавий маъноси бир-бирига яқин бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради. Шу сабабли, аксарият ҳолларда улар “чора-тадбир” деб, бир бутун тушунча тариқасида қўлланилади.

Хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Вазирлар Маҳкамасига хуқуқбузарликлар профилактикасининг давлат дастурларини ишлаб чиқиш юзасидан таклиф киритиш ваколатига эга. Бундан ташқари, Ички ишлар вазирлиги ҳудудий органларнинг асослантирилган таклифи, ҳисобот-таҳлил ишлари натижаларига асосланиб, хуқуқбузарликлар профилактикасига доир идоравий, шунингдек бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирликлар ва

қўмиталар билан ҳамкорликда идоралараро дастур ва режаларни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши мумкин.

Маълумки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳудудий дастурлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Ҳудудий ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга (кейинги ўринларда мувофиқлаштирувчи кенгаш деб юритилади) таклифлар киритиши мумкин.

Шунингдек, ҳудуднинг криминоген вазиятидан келиб чиқиб идоравий, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки давлат органлари ёхуд жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда идоралараро дастур ва режалар ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш йўналишида давлат дастури тасдиқланганида кейин ИИВда соҳавий (идоравий) дастур ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. ИИВнинг тасдиқланган дастури асосида эса жойлардаги ички ишлар органларида соҳага оид ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ИИВнинг идоравий дастури ва жойлардаги ички ишлар органларининг соҳага оид ҳудудий дастурлари асосида соҳавий хизматлар ўз дастурларини ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

*Аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот.* Маълумки, мамлакатимизда мустақиллик даврида ҳуқуқий тарғибот масаласига ҳукумат даражасида жиддий эътибор қаратилиб келинмоқда.

Ҳуқуқий тарғибот асосан қуйидаги уч йўналишда амалга оширилади:

*Биринчи йўналишда* амалга ошириладиган ҳуқуқий тарғибот ишларига ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг белгиланган шартлари, тартиби, қонун ва қонуности ҳужжатларнинг мазмунмоҳиятига бағишлаб аҳоли ўртасида маъруза, радиоэшиттиришлар қилиш, викторина, давра суҳбати, семинар-тренинг, учрашувлар ўтказиш кабиларни киритиш мумкин.

*Иккинчи йўналишда* ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг белгиланган шартлари, тартиби, қонун ва қонуности ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига бағишлаб мақолалар, китоб ва қўлланмалар (шу жумладан, электрон шаклда) ёзилади ва чоп этилади, шунингдек аҳолининг муайян қатламига мўлжалланган буклетлар тайёрланиб, тарқатиш каби ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилади.

*Учинчи йўналиш,* асосан, ҳуқуқий тарғибот аҳоли гавжум жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир плакатлар, эълонлар жойлаштириш, видео роликлар намойиш қилиш, кинофильмларнинг муайян эпизодларини акс эттириш, телевидениеда «Бир жиноят изидан», «Жиноят ва жазо» каби кўрсатувларни эфирга узатиш, плакатлар, кўргазмали эълонлар тайёрлаб, аҳоли кўп тўпланадиган ва гавжум бўлган жойларда, ички ишлар органларининг маъмурий бино (таянч пункт)ларида осииш кабилар орқали олиб борилади.

*Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.*

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари муайян шахсда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланишига ёки муайян ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига, шунингдек бир гуруҳ шахсларда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланишига ёки алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига туртки берган сабабларни ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайдилар, уларни бартараф этиш юзасидан вазирликлар, қўмиталар, корхона, муассаса, ташкилот ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тақдимномалар киритиб борадилар.

Афсуски, амалдаги қонун ҳужжатларида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш чорасини назарда тутувчи қонун нормаси фақатгина амалдаги Жиноят-процессуал кодекси (6-бўлим) ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда (196, 313-моддалар) ўз ифодасини топган. Бироқ “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун талаблари ҳуқуқбузарликка қарши курашувчи, унинг сабаб ва шартшароитларини аниқлаб, бартараф этилишини таъминловчи ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ҳам ўз фаолияти жараёнида аниқланган жиноятчиликка оид статистик ҳамда бошқа маълумотлар таҳлилига асосланиб, муайян вазирлик ёки қўмита ва унинг қўйи тузилмалари даражасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шартшароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишлари мумкинлигини тақозо этади. Масалан, Республика Бош прокурори ИИВга, вилоят прокурорлари вилоят ИИБга тақдимнома киритиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу мазмундаги тақдимномаларни қўйидагича гуруҳлаш мумкин:

- прокурор томонидан киритиладиган тақдимномалар;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа субъектлар томонидан киритиладиган тақдимномалар;
- ҳуқуқбузарлик ишини юритувчи мансабдор шахслар томонидан киритиладиган тақдимномалар.

Республикамизда олиб борилаётган жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ўрни ва роли сезиларли даражада ошди, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолият мазмуни бутунлай ўзгарди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлақо янги тизими яратилди. Фақат жазолаш билан қўрқитиб, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш энг долзарб вазифага айланди.

*Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг тавсифини ёритишда қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим:*

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси тушунчаси мазмунига;
- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг мақсади, вазифалари ва йўналишларига;
- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг объекти, предмети ва субъектларига;
- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг афзалликларига;
- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг чора-тадбирлари, уларни

қўллаш асослари ва тартибига;

– ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасида профилактика принципларига амал қилишнинг ўзига хос жиҳатларига;

– ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларга.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг ўзига хос хусусиятларига баҳо бериш аҳамиятлидир, бунда ушбу турдаги профилактиканинг объектларининг ўзига хослигига эътибор қаратилади.

Хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг объекти – **кенг жамоатчиликдир** ва бунда алоҳида шахслар танлаб олинмайди. Масалан, маҳалла аҳолиси, меҳнат жамоалари (корхона, муассаса, ташкилотлар ходимлари), вояга етмаганлар жамоаси (мактаб, коллеж ва академик лицейлар), ёшлар жамоаси ва бошқалар. Бунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси барчага бир ҳил равишда етказиб берилади ва таъсир доираси кенгроқлиги билан ажралиб туради.

*Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси қуйидаги объектларни ўзида қамраб олади: Жумладан;*

– жамоат тартиби ва хавфсизлиги;

– фуқаролар хавфсизлиги;

– давлат органлари, алоҳида тоифаланган бино ва иншоотлар, аҳоли хонадонлари ва кўчмас мулки;

– ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар, мавжуд тартиб ва қоидалардир.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг ўзига хос **хусусиятлари ва афзалликларини** ифодаловчи мезонлар сифатида қуйидагилар тавсия этилади:

– *ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси бир вақтнинг ўзида ўнлаб, юзлаб, минглаб ҳаттоки, миллионлаб инсонларга профилактик таъсир кўрсатиш имкониятига эга.*

Бу борада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари жойларда учрашув, маъруза, давра суҳбати, конференция, семинар кабиларни ташкил этиш, газета ва журналларда мақолалар чоп этиш, профилактик мазмун ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган китобларни нашр эттириш, телевидениеда кўрсатувлар, фильмлар намойиш қилиш, радиода эшиттиришлар қилиш орқали бир вақтнинг ўзида кўплаб аҳолига профилактик таъсир кўрсатиш имкониятига эга;

– *ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг кам куч, вақт ва маблағ сарфлашига доир афзаллиги.*

Масалан, бир соатлик телекўрсатув орқали минглаб фуқароларга профилактик таъсир кўрсатиш учун ўн нафар кишининг меҳнати кифоя бўлса, айнан шу бир соатлик вақт оралиғида индивидуал профилактикани амалга ошириб, минлаб фуқароларга профилактик таъсир кўрсатиш учун юзлаб профилактика субъектларининг меҳнати талаб этилади;

– *ҳуқуқбузарликлар профилактикасига комплекс ёндашув.*

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларидан бири

хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилишининг республика, вилоят, шаҳар, туман, маҳалла доирасида амалга оширилиши ҳамда дастурларда бир неча йўналишларда вазифаларни белгилаб олиниши умумий профилактикага комплекс ёндашувни ўзида ифодалайди. Шу боисдан, баъзида хуқуқбузарликлар умумий профилактикаси махсус ва яқка тартибдаги профилактик мазмунга эга чора-тадбирларни ҳам қисман қамраб олиши мумкин. Масалан, хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат, ҳудудий ва бошқа дастурларда илгари судланганлар, маъмурий назоратда турганлар, вояга етмаганлар билан яқка тартибда ёндашиш ёки махсус профилактик тадбирларни амалга ошириш вазифалари ҳам белгиланиши мумкин;

*– хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишни талаб қилиш хусусиятига эга эканлиги.*

Мазкур тартибга кўра, “хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш” профилактик чора-тадбири тақдимнома юборилган органга хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш мажбуриятини юклайди.

Хуқуқбузарликлар профилактикасининг усуллари – бу, хуқуқбузарликлар профилактикасини бошқаришнинг асосий мақсадларига амалий эришишни, асосий функцияларининг амалга оширилишини ҳамда самарали профилактик таъсир кўрсатишни таъминлаш йўллари дидир.

Хуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг **усулларини** куйидаги таснифи тавсия этилади. Жумладан:

- тушунтириш;
- огоҳлантириш (расмий, норасмий);
- ишонтириш;
- рағбатлантириш (моддий, маънавий, аралаш);
- мажбурлаш (интизомий, маъмурий, моддий ва жиноий мажбурлаш чораларини қўллаш)

хуқуқбузарликлар профилактикасининг тушунтириш усули – бу, хуқуқбузарликлар профилактикасига оид тушунча, ҳужжат ва шу кабиларга ойдинлик киритиш, изоҳ бериш ёки шарҳлаш, аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш каби профилактик мақсадларга эришиш йўлидир.

“Тушунтириш” усули сингари “огоҳлантириш” усули тушунчасига нисбатан берилган таърифни ҳам ҳуқуқий адабиётларда кузатиш қийин. Шу боис ўзбек тилининг изоҳли луғатида огоҳлантиришга – “маълум иш-ҳаракат ҳақида хабардор, огоҳ қилиш” мазмунида изоҳ берилган.

Демак, хуқуқбузарликлар профилактикасида огоҳлантириш профилактик мазмунга эга иш-ҳаракат ҳақида хабардор қилиш ва огоҳ қилишдан иборат. Хуқуқбузарликлар профилактикасида огоҳлантириш усули куйидаги профилактик чора-тадбирларда намоён бўлади:

- 1) оғзаки огоҳлантириш;

- 2) ёзма огоҳлантириш;
- 3) расмий огоҳлантириш;
- 4) ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш.

*Ишонтириш* – таъсир кўрсатишнинг шундай усулидирки, у ақл ва ҳис-туйғуларга биргаликда таъсир кўрсатади, нотўғри қарашлар ва муносабатларни ўзгартиради, фанга ёки жамиятнинг ахлоқий талабларига мос келувчи янги қарашлар ва муносабатларни шакллантиради.

*Ишонтириш* – тарбия ва тушунтириш, намунали хулқни рағбатлантириш ва ижобий намуналарни кўрсатиш, шунингдек огоҳлантириш-олдини оловчи ҳаракатлар, маълум қилиш, ташвиқот-тарғибот, ундаш ва шу каби шаклларда ҳам амалга оширилади. Шу билан бирга, ишонтириш усули ўқитиш, ташвиқот, тарғибот, тушунтириш ишлари, танқид, ҳуқуқбузарлик ёки ғайриижтимоий хулқ-атворни муҳокама қилиш, тажриба алмашиш каби воситалар (чоралар) орқали амалга оширилади.

*ишонтириш усули* – ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг профилактик таъсир кўрсатиш объектларида (шахсларнида) ҳуқуқбузарлик учун жазонинг муқаррарлигини ҳамда виктимлик ҳолатлар ҳуқуқбузарликдан жабрланишни тақозо этишини ҳис қилдириш, шунингдек уларнинг онгли равишда ўз ўзини ҳуқуқбузарлик содир этишдан тийилиши ва ҳуқуқбузарликдан жабрланиб қолишдан сақланишини таъминлашга эришиш йўлидир.

*рағбатлантириш усули* – бу, айрим профилактик ҳисобда турган шахсларнинг ахлоқан тузалаётган ва ўзида ижтимоий ижобий хулқ-атворни шакллантира бошлаганликларини эътироф этиш ҳамда шу муносабат билан уларга имтиёз ёки имкониятлар бериш ёхуд фуқароларни ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимояланиш усул ва воситаларини тўлиқ ўзлаштириш ва улардан самарали фойдаланишга қизиқтириш, ундаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фаол иштирок этган субъектларни мукофотлаш орқали уларнинг фаоллигини янада ошириш ва бу борада қўшаётган ҳиссасини муносиб тақдирлаш йўлидир.

*“Рағбатлантириш”* усули асосан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасида қўлланилади, бироқ умумий профилактика ҳам бундан мустасно эмас. Умумий профилактикани амалга оширишда рағбатлантириш усули асосан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг субъектларига нисбатан қўлланилишини кузатиш мумкин. Мақсад – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда субъектлар фаоллигини ошириш.

*Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг рағбатлантириш усули қуйидаги имкониятларни беради:*

– жазони ўтаётган маҳкум, шартли ҳукм қилинган, профилактик ҳисобга ёки маъмурий назоратга олинган шахснинг қонунчиликка ҳурмати, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга оид давлат сиёсатига ишончи ортади;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектларда бурчга садоқат, ватанпарварлик, ҳалоллик каби туйғулар мустаҳкамланади;

– фуқаролар ва жамоат ташкилотлари вакиллариининг ҳуқуқбузарликлар

профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаоллиги янада ошади;

– муносиб шахсларнинг рағбатлантирилиши бошқаларни ҳам фаолликка ундайди.

*мажбурлаш усули* – бу, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, жамиятда ўрнатилган қонун-қоидаларга риоя этишга, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларини ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга ундаш йўлидир.

“мажбурлаш” усули ҳам, рағбатлантириш усули сингари, одатда, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси субъектларига нисбатан қўлланади. Унинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси объектларига нисбатан қўлланилиши эса ўз-ўзидан профилактиканинг якка тартибдаги турига айланиб кетади. Шу боис мажбурлаш усули асосан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасида қўлланади.

Мазкур усулнинг умумий профилактикада қўлланилишини амалдаги ЖПК ва МЖТКнинг нормалари талаблари асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг ваколатли ходимлари томонидан ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шартшароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоа ёки мансабдор шахсга тақдимнома ёки суд томонида хусусий ажрим киритилишида кузатиш мумкин.

*Умумий тартибда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини амалга ошириш усуллари қуйидагиларда намоён бўлади:*

– Ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-марифий мазмундаги ташвиқот-тарғибот ишларини ташкил этиш;

– Кенг жамоатчилик билан турли мавзулардаги суҳбатлар ўтказиш;

– Турли телевикториналар ўтказиш;

– Оммавий ахборот воситаларида материаллар чоп этиш, кўрсатувлар тайёрлаш;

– Спорт мусобақаларини ташкил этиш;

– Умумий назорат ишларини амалга оширишни ўз ичига қамраб олади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “шакл” – “кўриниш, расм, тарз, усул” сўзлари билан изоҳланган. “Шакл” тушунчасига янада аниқроқ изоҳ берадиган бўлсак, 1) нарсанинг ташқи кўриниши, сирти қиёфаси, ифодасини; 2) маълум кўриниш, қолипдаги нарса, фигурани; 3) жисмнинг ҳолати, кўринишини; 4) мазмуннинг ифода томони, ташқи кўриниши, ифодаланишини; 5) бирор нарсани амалга ошириш йўсини, усулини англатиши ойдинлашади.

Профилактика шаклининг моҳиятини ёритишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мақсади, функцияси ва вазифаларига таяниш лозим.

Жиноятларнинг профилактикаси бўйича аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғиботнинг оғзаки, ёзма, электрон ва кўргазмали шакллари кўрсатиб ўтишган. Айрим дарсликларда ушбу шакллар нафақат, ҳуқуқий тарғиботнинг, балки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг ҳам шакли сифатида келтирилган.

Шу боисдан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари тизимини шакллантиришда профилактиканинг мақсади, функциялари, вазифалари, ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари, шунингдек ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотлар ва ахборот-коммуникацион технологияларнинг тарақиётини инобатга олиш лозим

ҳисобланади. Ҳуқуқшунос олимларнинг илмий қарашлари ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиёти таҳлили натижаларига асосланиб ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирларининг хусусиятидан келиб чиқиб қуйидаги шакллардан фойдаланиши мумкин:

- ёзма;
- оғзаки;
- кўргазмали;
- электрон;
- аралаш;
- назорат;
- қўриқлаш;
- қутқарув;
- белгили;
- СМС (ММС) хабар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг келтириб ўтилган ҳар бир шакли ўзининг мақсади, вазифаси, қўллаш тартиби ва шартларига эга. Профилактика субъектларининг бу борадаги билимларга эга бўлиши профилактик чора-тадбирларнинг таъсирчанлигини кафолатлайди.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг чора-тадбирлари ва усуллари кўплиги ҳамда турли-туманлиги уларни тўлиқ таснифлаш, санаб ўтиш ва таҳлил қилиш имконини бермайди.

Бу ўринда ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг ўзига хос хусусиятларига баҳо бериш аҳамиятлидир, бунда ушбу турдаги профилактиканинг объектларининг ўзига хослигига эътибор қаратилади.

Хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг объекти - **кенг жамоатчиликдир** ва бунда алоҳида шахслар танлаб олинмайди. Масалан, маҳалла аҳолиси, меҳнат жамоалари (корхона, муассаса, ташкилотлар ходимлари), вояга етмаганлар жамоаси (мактаб, коллеж ва академик лицейлар), ёшлар жамоаси ва бошқалар. Бунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси барчага бир ҳил равишда етказиб берилади ва таъсир доираси кенгроқлиги билан ажралиб туради.

Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг бошқа профилактика турларидан барчага тааллуқлилиги, кенг қўламли мақсадларни ўз ичига олиши билан фарқланади.

Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактик фаолияти бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий вазифалардан ташкил топган, хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг йўналишига, тузилишига, даражасига, сабаб ва шароитларига тўлиқ таъсир қилишдан иборатдир.

Профилактика инспекторининг умумий профилактик фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактик чора-тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш жараёнига, ички ишлар органлари соҳавий хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, фуқароларни жалб этиш;

– ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш, жойларда маърузалар ўқиш, давра суҳбати, учрашувлар ташкил этиш, аҳоли гавжум жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир плакатлар, эълонлар жойлаштириш, видеороликлар намойиш қилиш, огоҳликка чақирувчи овозли матнни эшиттириш, шунингдек аҳоли гавжум жойларда ҳамда пиёдаларнинг фаол ҳаракатланиш йўналишларида патруллик йўналишларини ташкил этиш, маъмурий ҳудудни профилактик кўздан кечириш каби профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ташкил этилишини таъминлаш;

– ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинган янги қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш чора-тадбирларини амалга ошириш ва бу жараёнга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маънавий-ҳуқуқий тарғибот марказлари, таълим муассасаларининг вакилларини, шунингдек олимларни, шоирларни ва депутатларнинг жалб этилишини таъминлаш;

– маъмурий ҳудудда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланишига ёки алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини тақозо этаётган сабабларни ва уларга имкон бераётган шартшароитларни аниқлаганда уларни бартараф этиш юзасидан корхона, муассаса, ташкилот ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ички ишлар органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдимнома киритилишини таъминлаш.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактик фаолиятини ташкил этиш жараёнида уларнинг нимага қаратилганлигига эътибор қаратилиши лозим. Хусусан, муайян ҳудудларда салбий хусусиятга эга бўлган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг кўпайиши аҳоли ўртасида тушунтириш ишларининг ташкил этилиши ва амалга оширилиши талаб этади.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг туб мазмун ва моҳияти бу аҳолини давлатда ўрнатилган тартиб қоидаларга риоя қилиш, қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, кенг миқёсда ҳуқуқбузарликларнинг сабаб-шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш фаолиятидир.

Профилактика инспекторининг умумий тартибдаги профилактик фаолиятини ташкил этишда ҳамкорликдаги амалга ошириладиган ишларга эътиборни кучайтириш талаб этилади. Ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, давлат органлари ва жамоат тузилмалари билан ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини ҳамкорликда амалга оширишлари самарадорлиги юқоридир.

Профилактика инспекторининг умумий профилактик фаолиятидаги ҳамкорликнинг самарадорлиги биринчидан, бу жараёнда иштирок этувчи субъектларнинг бу соҳадаги ваколатларининг амалдаги қонунларда қанчалик аниқ белгиланганига, иккинчидан, уларнинг бу йўналишдаги фаолияти учун ҳуқуқий асос қанчалик даражада ишлаб чиқилганига, учинчидан, улар ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этишнинг ҳуқуқий механизми қандай даражадалигига, тўртинчидан, ушбу ҳамкорликни ташкил этувчи кадрларнинг тайёргарлик даражасига боғлиқ.

Масалан, профилактика хизматлари диний экстремизм ва терроризмнинг салбий оқибатлари борасида тарғибот-ташвиқот ишларида диний кўмита вакиллари билан ҳамкорлик қилсалар, бу борадаги тушунтириш ишлари фуқароларга етарли даражада етиб боради, гиёҳвандлик ва сурункали ичкиликбозликнинг олдини олиш юзасидан

ўтказиладиган давра суҳбатлари ёки тарғибот-ташвиқот ишларида соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг иштироки самаралироқ бўлади.

Шу боисдан профилактика инспектори фаолиятини режалаштиришда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирларини ўтказилиши ва уларда ҳамкорликда иштирок этувчи субъектларнинг аниқ келтириб ўтилиши ҳамда улар билан келишилган ҳолда тузилиши муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қиладиган бўлсак, Профилактика инспекторининг умумий профилактик фаолиятини ташкил этиш жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга:

– ҳудудлардаги криминоген ва оператив вазиятлар таҳлиliga;  
– маълум бир маконда ёки жойларда қайси турдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг кўплигига;

– ИИОларига фуқаролардан қайси турдаги ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги ҳақида келиб тушган ариза ва шикоятларга;

– маълум бир ҳудуд ёки жойларда фуқароларнинг айрим қонун ва қонуности ҳужжатларини билмасликлари ва бошқалар.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини ташкил этишда “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни талабларидан келиб чиқиб, кенг қамровли умумий профилактик чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ташкил этиш ва бунда фуқароларнинг манфаатларини инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ва чора-тадбирларни белгилаши муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси кенг таъсир доирасига эга бўлган ҳолда фуқароларнинг маънавиятини ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда ўзига хос ролни ўйнайди.

Фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг шаклланганлиги ва маънавиятининг юқорилиги ўз ўзидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигига ижобий таъсир этади. Демак, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини самарали ташкил этиш бу жараёнда фуқароларнинг қонун ва қонуности ҳужжатларига риоя қилиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилишини тақозо этади

#### Асосий адабиётлар:

1. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Дарслик / Р.А. Хатамов, Т.Б. Маматқулов, А.С. Турсунов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2023.– 288 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси <https://lex.uz/docs/-6445145>.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 2-апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-532-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-4494709>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2017-йил 11-сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-445-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-3336169>.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 16-сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-3027843>.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-2387357>.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги ЎРҚ-644-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/5069150>

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 16 майдаги ПҚ-244-сон қарори <https://lex.uz/ru/docs/6017645>

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2022 йил 4 ноябрдаги 644-сон қарори <https://lex.uz/ru/docs/6272590>

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017-йил 12-июлдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 151-сон буйруғи.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017-йил 25-августдаги “Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 191-сон буйруғи.



INNOVATIVE  
ACADEMY